

PEDAGOGIK MAHORAT

Ilmiy-nazariy va metodik jurnal

5-son (2020-yil, oktabr)

Jurnal 2001-yildan chiqa boshlagan

Buxoro – 2020

PEDAGOGIK MAHORAT

Ilmiy-nazariy va metodik jurnal 2020, № 5

Jurnal O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi OAK Rayosatining 2016-yil 29-dekabrda qarori bilan **pedagogika** va **psixologiya** fanlari bo'yicha dissertatsiya ishlari natijalari yuzasidan ilmiy maqolalar chop etilishi lozim bo'lgan zaruriynashrlar ro'yxatiga kiritilgan.

Jurnal 2001-yilda tashkil etilgan.

Jurnal 1 yilda 6 marta chiqadi.

Jurnal O'zbekiston matbuot va axborot agentligi Buxoro viloyat matbuot va axborot boshqarmasi tomonidan 2016-yil 22-fevral № 05-072-sonli guvohnoma bilan ro'yxatga olingan.

Muassis: Buxoro davlat universiteti

Tahririyat manzili: O'zbekiston Respublikasi, Buxoro shahri Muhammad Iqbol ko'chasi, 11-uy

Elektron manzil: ped_mahorat@umail.uz

TAHRIR HAY'ATI:

Bosh muharrir: Adizov Baxtiyor Rahmonovich – pedagogika fanlari doktori, professor

Bosh muharrir o'rinbosari: Navro'z-zoda Baxtiyor Nigmatovich – iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Mas'ul kotib: Hamroyev Alijon Ro'ziqulovich – pedagogika fanlari doktori, dotsent

Xamidov Obidjon Xafizovich, iqtisodiyot fanlari doktori

Begimqulov Uzoqboy Shoyimqulovich, pedagogika fanlari doktori, professor

Mahmudov Mels Hasanovich, pedagogika fanlari doktori, professor

Ibragimov Xolboy Ibragimovich, pedagogika fanlari doktori, professor

Choriyev Abdushukur Choriyevich, pedagogika fanlari doktori, professor

Yanakiyeva Yelka Kirilova, pedagogika fanlari doktori, professor (N. Rilski nomidagi Janubiy-G'arbiy Universitet, Bolgariya)

Qahhorov Siddiq Qahhorovich, pedagogika fanlari doktori, professor

Mahmudova Muyassar, pedagogika fanlari doktori, professor

Barotov Sharif Ramazonovich, psixologiya fanlari doktori, professor

Jabborov Azim Meyliqulovich, psixologiya fanlari doktori, professor

Sunnatova Ra'no Izzatovna, psixologiya fanlari doktori, professor

Kozlov Vladimir Vasilyevich, psixologiya fanlari doktori, professor (Yaroslavl davlat universiteti, Rossiya)

Morogin Vladimir Grigoryevich, psixologiya fanlari doktori, professor (Xakassiya davlat universiteti, Rossiya)

Belobrikina Olga Alfonsasovna, psixologiya fanlari nomzodi, professor (Novosibirsk davlat pedagogika universiteti, Rossiya)

Chudakova Vera Petrovna, psixologiya fanlari nomzodi (Ukraina pedagogika fanlari milliy akademiyasi, Ukraina)

Tadjixodjayev Zokirxo'ja Abdusattorovich, texnika fanlari doktori, professor

Amonov Muxtor Raxmatovich, texnika fanlari doktori, professor

O'rayeva Darmonoy Saidjonovna, filologiya fanlari doktori, professor

Axmedova Shoira Ne'matovna, filologiya fanlari doktori, professor

Durdiyev Durdimurod Qalandarovich, fizika-matematika fanlari doktori, professor

Hayitov Shodmon Axmadovich, tarix fanlari doktori, professor

To'rayev Halim Hojiyevich, tarix fanlari doktori, professor

Mirzayev Shavkat Mustaqimovich, texnika fanlari doktori, professor

Mahmudov Nosir Mahmudovich, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Bo'taboyev Muhammadjon To'ychiyevich, iqtisod fanlari doktori, professor

Bo'riyev Sulaymon Bo'riyevich, biologiya fanlari doktori, professor

Olimov Shirinboy Sharopovich, pedagogika fanlari doktori, professor

Qahhorov Otabek Siddiqovich, iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent

Qosimov Fayzullo Muhammedovich, pedagogika fanlari nomzodi, dotsent

Jumayev Ulug'bek Sattorovich, psixologiya fanlari nomzodi, dotsent

ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО
Научно-теоретический и методический журнал
№ 5, 2020

Журнал включен в список обязательных выпусков ВАК при Кабинете Министров Республики Узбекистан на основании Решении ВАК от 29 декабря 2016 года для получения учёной степени по **педагогике и психологии**.

Журнал основан в 2001г.

Журнал выходит 6 раз в год

Журнал зарегистрирован Бухарским управлением агентства по печати и массовой коммуникации Узбекистана.

Свидетельство о регистрации средства массовой информации № 05-072 от 22 февраля 2016 г.

Учредитель: Бухарский государственный университет

Адрес редакции: Узбекистан, г. Бухара, ул. Мухаммад Икбол, 11.

e-mail: ped_mahorat@umail.uz

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:

Главный редактор: Адизов Бахтиёр Рахманович – доктор педагогических наук, профессор

Заместитель главного редактора: Навруз-заде Бахтиёр Нигматович – доктор экономических наук, профессор

Ответственный редактор: Хамраев Алижон Рузикулович – доктор педагогических наук, доцент

Хамидов Обиджон Хафизович, доктор экономических наук

Бегимкулов Узакбай Шаимкулович, доктор педагогических наук, профессор

Махмудов Мэлс Хасанович, доктор педагогических наук, профессор

Ибрагимов Холбой Ибрагимович, доктор педагогических наук, профессор

Чориев Абдушукур Чориевич, доктор педагогических наук, профессор

Янакиева Елка Кирилова, доктор педагогических наук, профессор (Болгария)

Каххаров Сиддик Каххарович, доктор педагогических наук, профессор

Махмудова Муяссар, доктор педагогических наук, профессор

Баратов Шариф Рамазанович, доктор психологических наук, профессор

Джаббаров Азим Мейликулович, доктор психологических наук, профессор

Суннатов Рано Иззатовна, доктор психологических наук, профессор

Козлов Владимир Васильевич, доктор психологических наук, профессор (Ярославль, Россия)

Морогин Владимир Григорьевич, доктор психологических наук, профессор (Абакан, Россия)

Белобрыкина Ольга Альфонсасовна, кандидат психологических наук, профессор (Новосибирск, Россия)

Чудакова Вера Петровна, PhD (Психология) (Киев, Украина)

Таджиходжаев Закирходжа Абдусаттарович, доктор технических наук, профессор

Аманов Мухтор Рахматович, доктор технических наук, профессор

Ураева Дармоний Саиджановна, доктор филологических наук, профессор

Ахмедова Шоира Негматовна, доктор филологических наук, профессор

Дурдыев Дурдымурад Каландарович, доктор физико-математических наук, профессор

Хаитов Шадман Ахмадович, доктор исторических наук, профессор

Тураев Халим Хаджиевич, доктор исторических наук, профессор

Мирзаев Шавкат Мустакимович, доктор физико-математических наук, профессор

Махмудов Насыр Махмудович, доктор экономических наук, профессор

Бутабоев Мухаммаджон Туйчиевич, доктор экономических наук, профессор

Буриев Сулаймон Буриевич, доктор биологических наук, профессор

Олимов Ширинбай Шарипович, доктор педагогических наук, профессор

Каххаров Отабек Сидикович, доктор философии по экономическим наукам (PhD), доцент

Касимов Файзулло Мухаммедович, кандидат педагогических наук, доцент

Жумаев Улугбек Саттарович, кандидат психологических наук, доцент

PEDAGOGICAL SKILLS

The scientific-theoretical and methodical journal

5, 2020

The journal is submitted to the list of the scientific journals applied to the scientific dissertations for **Pedagogic** and **Psychology** in accordance with the Decree of the Presidium of the Ministry of Legal office of Uzbekistan Republic on Regulation and Supervision of HAC (The Higher Attestation Commission) on December 29, 2016.

The journal is published 6 times a year

The journal is registered by Bukhara management agency for press and mass media in Uzbekistan.

The certificate of registration of mass media № 05-072 of 22 February 2016

Founder: Bukhara State University

Publish house: Uzbekistan, Bukhara, Muhammad Ikbol Str., 11.

e-mail: ped_mahorat@umail.uz

EDITORIAL BOARD:

Chief Editor: Ph.D. of Pedagogy, Prof. Bakhtiyor R. Adizov. **Deputy Editor:** Ph.D. of Economics, Prof. Bakhtiyor N. Navruz-zade. **Editor:** DSc, Asst. Prof. Alijon R. Khamraev

Doctor of Economics Sciences Obidjan X. Xamidov
Ph.D. of Pedagogical Sciences, Prof. Uzakbai Sh. Begimkulov
Ph.D. of Pedagogical Sciences, Prof. Mels Kh. Mahmudov
Ph.D. of Pedagogical Sciences, Prof. Holby I. Ibrahimov
Ph.D. of Pedagogical Sciences, Prof. Abdurashid Ch. Choriev
Ph.D. of Pedagogical Sciences, Prof. Yelka K. Yanakieva (Bulgaria)
Ph.D. of Pedagogical Sciences, Prof. Siddik K. Kahhorov
Ph.D. of Pedagogical Sciences, Prof. M. Mahmudova
Ph.D. of Psychology, Prof. Sharif R. Baratov
Ph.D. of Psychology, Prof. Azim M. Jabbarov
Ph.D. of Psychology, Prof. Rano I. Sunnatova
Ph.D. of Psychology, Prof. Vladimir V. Kozlov (Yaroslavl, Russia)
Ph.D. of Psychology, Prof. Vladimir G. Morogin (Abakan, Russia)
Ph.D. of Psychology Sciences, Prof. Olga A. Belobrikina (Novosibirsk, Russia)
Ph.D. of Psychology, Vera P. Chudakova (Kiev, Ukraina)
Ph.D. of Technical sciences, Prof. Shavkat M. Mirzaev
Ph.D. of Technical sciences, Prof. Mukhtor R. Amanov
Ph.D. of Technical sciences, Prof. Zakirkhodja A. Tadjikhodjaev
Ph.D. of Philology, Prof. Darmon S. Uraeva
Ph.D. of Philology, Prof. Shoirra N. Akhmedova,
Ph.D. of Physical and Mathematical Sciences, Prof. Durdimurod K. Durdiev
Ph.D. of Historical Sciences, Prof. Shadman A. Khaitov
Ph.D. of Historical Sciences, Prof. Halim H. Turaev
Ph.D. of Economics, Prof. Nasir M. Mahmudov
Ph.D. of Economics, Prof. Mukhammadjon T. Butaboev
Ph.D. of Biological Science, Prof. Sulaymon B. Buriev
Ph.D. of Pedagogical Science, Prof. Shirinboy Sh. Olimov
Ph.D. doctor of philosophy in economics Otabek S. Kahhorov
Ph.D. of Pedagogical Sciences, Prof. Fayzullo M. Kasimov
Ph.D. of Psychology Sciences, Prof. Ulugbek. S. Jumaev

MUNDARIJA

DOLZARB MAVZU	7
Сойиб РАУПОВ. Муस्ताқиллик ва маҳалла институти	7
 PEDAGOGIKA VA PSIXOLOGIYA	14
Бахтиёр АДIZOV. Талабаларнинг маънавий камолотида ўзини-ўзи тарбиялашнинг ўрни	14
Shahlo TURDIYEVA. Pedagogik ta'lim innovatsion klasteri: ehtiyoj, zarurat, natija	17
Муножатхон АСПРАНБОЕВА. Нотўлиқ оилаларда болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашнинг педагогик шарт-шароитлари.....	20
Komila SAYTOVA. Problems of distance education and the ways of their solution.....	27
Темир ОЛИМОВ. Бўлажак олий маълумотли мутахассисларда фуқаролик маданиятини шакллантиришда замонавий ўқитувчининг қиёфаси	33
Фарход ҲОШИМОВ, Роҳатой ЭГАМБЕРДИЕВА. Таълим сифатини ошириш ўзбекистон ривожланишининг асосий омилларидан бири сифатида (Япония мисолида)	36
Замира КУРБАНИЯЗОВА. Бўлажак педагогларнинг ижтимоий компетентлигини ривожлантириш	43
Vahrom URINOV. Ta'limga Yevropa integratsiyasining asosiy maqsadi va tamoyillari	48
Муҳаббат МИРСОЛИЕВА. Олий таълим муассасалари раҳбар кадрларининг метакомпетенцияларини ривожлантириш модели	51
Баҳринисо ТЎРАҚУЛОВА. Инновацион таълим муҳитида техник кафедралар ва ишлаб чиқариш корхоналарининг интегратив ҳамкорлигини такомиллаштириш технологияси	55
Ilhom MADATOV. Elektron ta'lim texnologiyalari (blended learning).....	58
Насибохон ОЛТМИШЕВА. Глобаллашув жараёнлари ва таълим-тарбия масъулияти	62
Феруза РАМАЗОНОВА. Бўлажак ўқитувчиларда касбий эътиқодни шакллантириш педагогик муаммо сифатида	66
Зебинисо ХАНКЕЛЬДЫЕВА, Дилором УБАЙДУЛЛАЕВА. Модель организации самостоятельной работы студентов с использованием дистанционных технологий.....	69
Олимжон АҲМАДОВ. XIX аср охири - XX аср биринчи чорагида Бухорода таълим-тарбия тизимининг манбавий асослари ва адабиётлар таснифи.....	74
Akram SOKHIBOV, D. A. RUSTAMOV. Historiographical aspects of the study of national pedagogy is the great contribution of the great eastern thinkers	78
Лобар ШАРИПОВА, Башорат ШАРИПОВА. Ўқитувчиларда маънавий-моддий ҳаёт уйғунлигини ривожлантиришда педагогик технологияларнинг аҳамияти.....	81
Нигора САЙФУЛЛАЕВА. Системная целостность образования, науки и производства - основа развития инновационного экономического мышления у студентов	85
Гуллола РАҲМОНОВА. Талабаларда маънавий-ахлоқий компетенцияларни ривожлантириш усуллари ..	90
Manzura OCHILOVA, Nilufar RAXIMOVA. "Oilada yoshlar ma'naviyatini shakllantirishda milliy qadryatlarning o'rni" modulini o'qitish samaradorligini oshirishning ustuvor yo'nalishlari	93
Хулқархон ДЖУМАЕВА. Талабалар маънавиятига салбий таъсир кўрсатувчи ички таҳдидлар ва уларнинг оқибатлари.....	96
Зебо МАМАРАИМОВА. Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг ўзига хос хусусиятлари	100
Gulchehra ALIMOVA. Kichik maktab yoshida o'quvchi shaxsining psixologik-pedagogik rivojlanish xususiyatlari.....	103
Наира ОДИЛОВА. "Хотира" мавзусини ўқитишда инновацион технологиялардан фойдаланишнинг психологик хусусиятлари	108
Навбахор УМАРОВА. Тасаввур-белгилар тизими – шахс иқтисодий мавқеини баҳолашдаги мезон сифатида	112
Умида ЛАТИПОВА. Талаба шахсида ижодий фаоллик намоён бўлишининг ички ва ташқи мотивлари. 116	
 МАКТАВГАСНА VA BOSHLANG'ICH TA'LIM	119
Юлдуз ПЎЛОТОВА. Бошланғич синф она тили ва ўқиш дарсларини интеграциялашнинг методик имкониятлари.....	119
O'g'iljon OLLOQOVA. Lingvistik kompetensiya va uning turlari	126
Rustambek QO'LDOSHEV. The content of pedagogical assistance in the period of adaptation of left-handed first-graders to school, adaptation to school and its features among students of the first year of study.....	132
Гулшан МАМАТОВА. Бошланғич синф ўқиш дарсларида муаммоли таълим усулларида фойдаланиш 136	
 FILOLOGIYA VA TILLARNI O'RGANISH.....	139
Nigora MAHMUDOVA. So'z modelidagi sintagmaning lingvistik tabiati	139
Атоулло АХМЕДОВ. Ўзбек ва татар тиллари сабоқларидан.....	143

Комилжон АБДУЛЛАЕВ. Адабиёт тўғараги машғулотларида фанлар интеграцияси технологияларидан фойдаланиш.....	147
Dilfuza FAYAZOVA. Adaptation of authentic material.....	151
Гульмира БАШАРОВА. Аналитические методы работы с текстом как дидактическим материалом на занятиях по русскому языку	156
Saule ISHANOVA. Chet tillarni o'rgatishda fonetik mashqlarning roli	161
Мадина МАМЕДОВА. Омонимия как одна из трудностей английского языка.....	166
Б.М. САИДОВ. К изучению русского языка в школах с узбекским языком обучения и передовой опыт учителей двуязычия.....	172
Наталья РОЗИКОВА. Формирование языковой личности под воздействием средств массовой информации.....	176
ANIQ VA TABIIY FANLARNI O'QITISH.....	180
Тўлқин РАСУЛОВ, Зикрулло ҲАМДАМОВ, Муҳайёхон АБДУЛЛАЕВА. Тригонометрик тенгламаларни ечишда арифметик прогрессия хоссаларининг қўлланилиши	180
Алишер ТУРСУНОВ. Физика ўқитишда экологик мазмунда масалалар танлаш ва ечиш восита сифатида	184
Axat AXMEDOV, Elmurod KUDRATOV. Pedagogika oliy o'quv yurtlarida laboratoriya mashg'ulotlarini takomillashtirishning innovatsion usullari.....	188
Xolida TALIBOYEVA, Shoirra USMANOVA. O'quvchilarning bilimlarini tekshirishda pisa testlari va ularning ahamiyatli jihatlari	195
Мурод ХУСЕНОВ, Қулдош ЖУРАЕВ. Создание интерактивный контент в Moodle	198
Гулбахор Худойназарова, С.Ф.Бердиев. Кимё ўқитиш методикаси фанини электрон дарслик асосида ўқитиш методикаси	202
Зулфия БЕРДИЕВА, Баходир МУХАМАДИЕВ. Микробиологический анализ пищевых продуктов.....	206
IQTISODIY TA'LIM VA TURIZM	213
Бобур БОЛТАЕВ. Туризм инфратузилмасини ривожлантириш борасидаги муаммо ва ечимлар.....	213
TASVIRIY SAN'AT VA MUSIQA	216
Абдунаби АМАНУЛЛАЕВ, Сирожиддин КОМОЛДИНОВ. Буюк рангасвирчи мусаввирлар асарлари таҳлили асосида мавзули композиция яратиш	216
JISMONIY MADANIYAT VA SPORT.....	220
Nigora MUXITDINOVA. Maktabgacha ta'lim tashkilotlarida ertalabki badantariya va uni tashkil etish metodikasi.....	220
Ихтиёр ХОЛИКОВ. Об особенностях кинематики метания диска с места	225
Erkin ESHOV, Mirshod SATTOROV. Features of the emotional intelligence of athletes in individual and team sports.....	228
Dildora YUNUSOVA, Muzaffar TOJIBOYEV. Abu Ali ibn Sinoning ta'lim-tarbiya to'g'risidagi g'oyalarida jismoniy tarbiya masalalarining ilmiy asoslanganligi.....	231
Sherzod MANSUROV, Abdurashid NURULLAYEV. Jismoniy tarbiya darslarida umumiy rivojlantiruvchi mashqlarni me'yorlash.....	233
Abduhamid NURULLAYEV, Javohir JUMAQULOV. Jismoniy madaniyat va sport mashg'ulotlarida o'z-o'zini nazorat qilish.....	235
Mohira GAFUROVA. Jismoniy tarbiya mashg'ulotlarini tashkil qilishda ta'lim uslublarining ahamiyati	238
Насиба САБИРОВА, Жўрабек ЮСУПОВ. Мактаб ўқувчилари ҳаётида жисмоний тарбиянинг афзалликлари	240
“Педагогик маҳорат” журнали учун мақолаларни расмийлаштириш талаблари.....	243

Бобур БОЛТАЕВ

Бухоро давлат университети
Бухоро тарихи кафедраси
катта ўқитувчиси

ТУРИЗМ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БОРАСИДАГИ МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасининг туризм инфратузилмасини ривожлантириш борасидаги чора-тадбирлари, муаммо ва ечимлар очиб берилган.

Калим сўзлар: туризм, инфратузилма, турист, форум, Бухоро, маблағ, ички туризм.

В данной статье рассматриваются меры и проблемы, решения по развитию туристической инфраструктуры Республики Узбекистан.

Ключевые слова: туризм, инфраструктура, турист, форум, Бухара, локация, внутренний туризм.

This article discusses the measures and problems, solutions for the development of tourism infrastructure of the Republic of Uzbekistan.

Key words: tourism, infrastructure, tourist, forum, Bukhara, location, domestic tourism.

Ҳозирги даврда туризм дунёнинг жуда кўп мамлакатларида ривожланган ва оммавий тус олган. Бизнинг мамлакатда ҳам амалга оширилаётган ислохотлар негизда иқтисодий эркинлаштириш, мамлакатни модернизациялаш, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш эвазига узлуксиз иқтисодий ўсишга эришишдек долзарб вазифа қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2018 йил 3 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5326-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, ҳудудларни барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим омилларидан бири сифатида ички туризмни жадал ривожлантириш, фуқароларни мамлакатимизнинг маданий-тарихий мероси ҳамда табиий бойликлари билан таништириш мақсадида: “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилиш” ички туризмни ривожлантириш дастурини амалга ошириш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди [1]. Унга биноан Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ва Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда жуда ҳам қисқа муддатда туризм инфратузилмасининг бандлигини ҳисобга олган ҳолда ҳудудлар ҳамда жалб этилган ташкилотлар миқёсида турлар ва экскурсияларни ташкил қилиш жадвалларини тасдиқлади ва амалга ошириш дастурларини ишлаб чиқди [5]. Давлатимиз раҳбарининг саъй - ҳаракатларига асосан туристлар оқимининг мавсумийлиги ҳамда ҳудудларнинг туризм инфратузилмаси тўлиқ жалб этилишини инобатга олиб, туризм фаолияти субъектларини жалб этган ҳолда амалий чора-тадбирлар режасининг самарали амалга оширилиши учун зарур чоралар кўрилди [2]. Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги билан биргаликда “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!” ички туризмни ривожлантириш дастурини амалга ошириш доирасида оммавий ахборот воситаларида ҳамда Интернет тармоғида, шу жумладан, республиканинг барча шаҳарларида реклама банерларини тайёрлаш ва ўрнатиш йўли билан ички туризмни кенг тарғиб қилиш тадбирлари ўтказилишини таъминлаб келмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан келишилган ҳолда 2018-2020 йилларда республиканинг ҳар бир ҳудудида камида 100 та жой ҳисобга олиниб, марказий кўчалар, аҳоли гавжум жойлар ҳамда трассаларда жойлашган шитлар, экранларда ички туризмга оид ташқи реклама бегараз ўрнатилиши таъминланиши бошлаб юборилди. Ташкилотлар ходимлари учун – ўз маблағлари, иш берувчи маблағлари (бюджет ташкилотлари учун – ташкилотларнинг бюджетдан ташқари маблағлари) ва жамоавий шартномаларга мувофиқ бошқа маблағлар ҳисобидан, етим болалар, кам таъминланган оилалар фарзандлари, ногиронлиги бўлган шахслар учун уларнинг

умумий сонидан камида 20 фоизи камраб олиниши таъминланган ҳолда – хайрия маблағлари, шунингдек, ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети кўрсаткичларида назарда тутилган маблағлар ҳисобидан, пенсионерлар ҳамда уруш ва меҳнат фахрийлари учун – ўз маблағлари, Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармасининг маблағлари ва хайрия маблағлари ҳисобидан, фаол хотин-қизлар учун – ўз маблағлари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси маблағлари, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди маблағлари ва хайрия маблағлари ҳисобидан, маҳалла фаоллари ва ёш оилалар учун – ўз маблағлари, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди маблағлари ҳисобидан тенглик асосида қолланиши жорий йилдан бошлаб амалга оширила бошланди. Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси давлат органлари ва бошқа ташкилотларга гуруҳли саёҳатларни ташкил қилиш учун маҳаллий туроператорлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш, шунингдек, меҳмонхона ва транспорт ташкилотларига ташкил этилган турлар, шу жумладан яшаш ва келиб-кетиш учун имтиёзлар тақдим этиб, ёрдам кўрсатиб келмоқда [3]. Туризм соҳасида фаолият кўрсатадиган субъектларнинг фаолиятини қўллаб қувватлаш учун солиқ солинадиган базаси Ўзбекистон туризм бренди ва “Ўзбекистан.травел” сайти рекламаси бўлган босма маҳсулотларни (хариталар, рисолалар, буклетлар, флаерлар ва бошқалар), сувенир ва қадоқлаш маҳсулотларини (сумкалар, пакетлар, мактаб дафтарлари, ёрликлар, ғилофлар, кийим-кечаклардаги ва ошхона анжомларидаги ёзувлар) тайёрлаш ва чоп этишга йўналтириладиган харажатлар суммасига камайтирилди. Кичик саноат зоналари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари қоидалари кичик туризм зоналарига ҳам татбиқ этилиши белгилаб қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда 100 миллион сўмгача солиқ солинадиган базани камайтириш тартибини бир ой муддатда тасдиқлаши, хўжалик юритувчи субъектларнинг 2020 йилнинг 1 январига қадар санитария қоидалари, меъёрлари ва гигиена нормативларига мувофиқ келадиган замонавий санитария-гигиена тармоқларини қайта тиклаш, капитал таъмирлаш ва қуришга йўналтирилган харажатлари кўриб чиқилиши йўлга қўйилди [1]. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг ҳулосаси асосида замонавий санитария-гигиена тармоқларини яратиш лойиҳаларини амалга оширадиган тадбиркорлик субъектлари ва потенциал инвесторларга шаҳарлар ва туманларнинг тегишли қисмларида реклама ва ихчам савдо нуқталари учун жойлар тақдим этилди. Мониторинг натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги “2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3217-сон қарори билан ташкил этилган Туризмни ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашга режалаштирилган чора-тадбирларнинг белгиланган муддатларда сўзсиз бажарилишини таъминлаш мақсадида тегишли қарорларни қабул қилиш учун ҳар чоракда тақлифлар киритилишини таъминлана бошланди [2].

Бугунги кунда туризм жаҳон иктисодиётидаги юксак даражада ривожланиб бораётган соҳаларидан бири сифатида эътироф этилмоқда. Туризм тармоғи жаҳон иктисодиётида энг катта даромад келтирувчи нефт қазиб чиқариш ва автомобилсозликдан сўнг кучли учликка кирувчи соҳа деб қаралади. Бугунги кунда бу соҳа ва унга бевосита хизмат қилувчилар жаҳон меҳнат ресурсларининг 60% дан ортигини ташкил этишини ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда бу соҳани ривожлантириш борасида кўплаб амалий чора-тадбирлар кўрилмоқда [4]. Бугунжаҳон туристик ташкилоти (БТТ) маълумотиغا кўра 2020 йилга келиб ҳалқаро туризмдан келиб тушадиган даромад 2 трлн АҚШ долларини ташкил этиши керак ва бу борада биз ҳам ўз туристик имкониятларимизни тўла ишга солган ҳолда бу кўрсаткичда ўз улушимизга эга бўлишга интиломқдамиз.

Бухоро вилояти бошқа туристик марказлар сингари туризмда ўз ўрнига эга. Бугунги кунда “Шарқ Венецияси” - Бухорода янги туристик инфраструктуралар барпо этиш йўли билан сайёҳлар оқимини 2 бараварга ошириш мақсадини кўзлаган. 2017-2019 йиллар давомида Европа, Африка, Осиё ва МДХ давлатридан катта сайёҳлар гуруҳи кутиб олинди. Ҳозирда ҳам бу борада катта ишлар давом эттирилмоқда. Умумий овқатланиш тизими такомиллаштирилиб, ташриф буюрувчиларнинг кечки вақтларини мазмунли ташкил этиш учун шароитлар яратиш белгиланган [6]. Жумладан, ресторанлар қурилиб, тарихий ёдгорлик объектлари ҳудудида миллийликни намоиш этувчи ва ўзбек миллати маданиятини жаҳонга тарғиб этувчи анъана ва урф-одатлар намоишлари ҳамда концерт дастурлари ташкиллаштирилиши мақсад қилинган.

Авваламбор, соҳани ривожлантириш учун биринчи навбатда қилиниши керак бўлган тадбирлардан бири бу транспорт хизматлари кўрсатиш даражасини яхшилаш, ҳаво ва темирйўл инфратузилмаларни ривожлантириш, ҳаво қатновлари ва “Афросиёб” поездлари рейслари сонини ошириш керак [1]. Ҳозирда Бухоро аэропорти “очиқ осмон” форматига ўтказиш тақлиф қилинган

ва бу масала кўриб чиқилмоқда. Бунга асос қилиниб малайзиялик мутахассисларнинг фикри олинди. Уларнинг фикрича, чет эллик меҳмонлар учун аввал Тошкентга кўниб, сўнг Бухоро ёки бошқа шаҳарларга бориш ноқулайликлар туғдиради. Сайёҳлик объектларига олиб борувчи автомобиллар йўллари қурилиши ва реконструкция қилиниши лозим. Бухоронинг бош меъморий обидаси – Арк биноси биринчи галдаги вазифалардан бири бўлиб, 2021 йилга қадар ички ҳовли қайта тикланиши режалаштирилган. Ушбу вилоятда туризм ҳақида сўз борганда 660 та маданий мерос объектининг рўйхатга олинганлигининг ўзи кўп нарсани англатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 майдаги “2017-2019 йилларда Бухоро шаҳри ва Бухоро вилоятининг туристик салоҳиятини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ҳамда 2017 йил 16 августдаги “2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш тўғрисида” ги қарорлари асосида дастур ишлаб чиқилди ва бугунги кунгача бўлган даврда кенг татбиқ қилинмоқда [1]. Дастур асосида 21 та янги меҳмонхона фойдаланишга топширилди ва 7 та янги замонавий туристик классдаги автобуслар харид қилинди. Айти пайтда 60 га яқин меҳмонхоналар ҳамда бошқа инфратузилма объектларининг қурилиши жадал давом этмоқда.

Бухородаги туризм соҳасидаги сўнгги энг йирик воқеалардан бири бу – 2019 йилнинг 21-23 февраль кунлари ушбу шаҳарда бўлиб ўтган биринчи халқаро “Зиёрат туризми” форуми бўлди. Ушбу форумда 20 дан ортиқ мамлакат ва нуфузли ташкилотлар вакиллари ишторикида Бухорода туризм истиқболлари хусусида кўплаб масалалар кўриб чиқилди. Форум давомида Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси қошидаги “Миллий ПР-Марказ” ДУК ҳамда “МАТТА” (Малайзия), “Crescent Rating” (Сингапур) уюшмалари, Жакарта тарғибот фонди (Индонезия) ўртасида “Global Muslim Traveler Index” доирасида ҳамкорлик меморандумининг имзоланиши юртимизга нафақат Европадан сайёҳлар оқимининг келишига, балки анча кўпчиликни ташкил этувчи мусулмонларнинг ҳам кириб келишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади [6].

2018 йил учун Global Law and Order томонидан тақдим этилган навбатдаги ҳисоботда сайёҳат қилиш учун дунёнинг энг хавфсиз мамлакатлари рейтинги эълон қилинди. Бу ҳисоботда Ўзбекистон 91 балл тўплаб Гонконг билан бирга бешинчи поғонадан жой олди. Бу натижа шубҳасиз, кўрилаётган чора-тадбирлар меваси бўлиб, ташриф буюрувчилар сонининг ўсишига таъсир қилмасдан қолмайди. Бугунги кунда дунё бўйича йилига сайёҳларнинг сони 350-375 миллионни ташкил этиб, Ўзбекистон ҳам ушбу рақамдан ўз улушига эга бўлиш учун интилоқда ва бунда бош омиллардан бири бу, албатта, Бухородир.

Адабиётлар

1. Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 3 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5326-сон фармони.

2. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб- интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалиқ қондаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. -Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017 йил 14 январ.

3. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси – Тошкент, 1/2014, Б.8.

4. Таджиджаев З., Жўраев А., Ҳамроев Ҳ. Туризм соҳасига етук кадрлар тайёрлаш//Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. 1/2014-йил. Б.29.

5. Ш.Маҳмудов – Ўзбектуризм МК Бухоро бўлинмаси бошлиғининг Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси журналига берган интервьюсидан. 2014 йил, январ.

6. Ш.М.Мирзиёев: Бундай маънавий хазина бошқа ҳеч қаерда йўқ. 2019 йил, 29 март. www.UzA.uz/